



БАРЧА РЕЖА ВА ҲАРАКАТЛАРИМИЗДАН МАҚСАД — ОДАМЛАРНИ РОЗИ ҚИЛИШ



Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлардаги ўзгаришлар, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларини белгилаш мақсадида 15-16 апрель кунлари Самарқанд вилоятида бўлди.

Ташрифнинг биринчи куни давлатимиз раҳбари вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш юзасидан sanoat, turizm,

қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларда амалга оширилаётган ишлар, жорий йил ва келгуси йилларга мўлжалланган лойиҳалар билан танишди. Шунингдек,

муқаддас қадамжолар зиёрати, тадбиркорлар, нурунийлар ва ёшлар билан учрашувлар ҳам дастлабки куннинг муҳим воқеалари бўлди.

16 апрель куни Шавкат Мирзиёев иштирокида вилоят фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вазирлик ва идоралар, уларнинг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари бошлиқлари, вилоят, туман, шаҳар секторлар раҳбарлари, маҳаллий кенгашлар депутатлари, тадбиркорлар, нурунийлар ва ёшлар қатнашди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани сингари Самарқанд вилоятида катта ўзгаришлар бўлаётгани, одамларнинг дунёқараши ўсиб, фаоллиги ошаётганини таъкидлади.

— Бугунги давр, шиддаткор замон жонажон Ватанимиз тараққиёти, бунёдкор ва танти халқимиз фаровонлигини ошириш учун олдимизга муҳим вазифаларни қўймоқда. Ва бу ҳар биримиздан, айниқса, ижро ҳоқимияти органлари раҳбарларидан юксак масъулият, фидойилик талаб қилмоқда. Шу нуқтаи назардан, бугун Самарқанд вилоятида ҳам кўп ўзгаришлар, янги лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда, шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси ўзгармоқда. Лекин энг асосийси, одамларнинг дунёқараши, ҳаётга муносабати ўзгариши керак. Қачонки халқимизнинг дунёқараши ўзгариб, бугунги ислохотларга ишончи ва хайрихоҳлиги ошса, давлатдан, раҳбарлардан рози бўлса, фаолиятимизга берилган баҳо, олиб бораётган сазой-ҳаракатларимиз натижаси шу бўлади, — деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз ҳар доим Самарқандни соғиниши, бу вилоятда орттирган тажрибаси иш фаолиятида қўл келишини таъкидлади. Лекин ўша пайтларда ижро ҳоқимиятининг имконияти ҳозиргидек бўлмаганини қайд этиб, мавжуд имконият ва салоҳиятдан самарали фойдаланиш зарурлигига эътибор қаратди.

— Ҳозир замон ўзгарди, одамлар энди кечагидай яшашга мажбур эмас. Энг катта масала — жойлардаги ижро ҳоқимияти раҳбарлари бугунги ҳаёт, ҳаракат, шиддатга мос ишлаши керак. 2020 йил оғир йил бўлди, манамен деган давлатлар иқтисодиёти бу синовларни кўтаролмади. Бу йил кечагига нисбатан интилишимиз ўзгариб, эртанги кун манфаати нуқтаи назардан, ҳаракат туйғуси пайдо бўлса, олдимизга қўйган режаларимизни бажара оламиз. Агар бизга кимдир қилиб беради, деган тушунча

бўлса, бундай хоҳиш билан ҳеч қачон натижага эришолмаймиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллиги нишонланадиган жорий йилда Самарқанд вилоятида юқори натижаларга эришиш учун ҳозирдан маррани банд олиб, аниқ белгилаш лозимлигини таъкидлади. Шу жиҳатдан вилоятни комплекс ривожлантириш, аҳоли ҳаётини яхшилаш бўйича энг муҳим йўналиш ва вазифалар, sanoat, transport logistikasi, turizm ва бошқа соҳалардаги “ўсиш нуқталари” белгилаб олинди.

Жумладан, ҳар бир маҳалладаги муаммо ва имкониятларни танқидий ўрганиш, аҳолини тадбиркорликка ва ўзини ўзи банд қилишга жалб этиш орқали камбағалликни қисқартириш, 2021-2022 йилларда sanoat, xizmat кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳасида истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, уй-жой қурилиши, ободонлаштириш, коммунал ва транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш юзасидан вазифалар белгиланди.

2021-2022 йилларда Самарқанд вилоятида sanoat, xizmat кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида қиймати 30 триллион 415 миллиард сўмлик 1 минг 279 та инвестиция лойиҳаси режалаштирилгани таъкидланди. Хусусан, 12 триллион сўмлик 1 минг 184 та ҳудудий, 18 триллион сўмдан зиёд 95 та тармоқ лойиҳалари амалга оширилади. 1,8 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилади ва 26 мингта доимий иш ўрни ташкил этилади.

Хусусан, энергетика соҳасида 974 миллион долларлик 8 та йирик лойиҳа амалга оширилиб, йилга 6 миллиард килловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш йўлга қўйилади, натижада 1,8 миллиард куб метр табиий газ тежалди. Шунингдек, Франциянинг “Тотал Эрэн” компаниясининг 100 миллион доллар сармояси ҳисобига шу йил декабрда Нуробод туманида қуввати 100 мегаватт бўлган қуёш фотозлектр станцияси ишга туширилади.

Президент Ургут туманини тўлиқ эркин иқтисодий зонага айлантириш, вилоятнинг барча ҳудудларида ушбу иқтисодий зонанинг филиалларини ташкил этиш бўйича кўрсатма берди. Шунингдек, “Ургут” эркин иқтисодий зонаси негизда холдинг компания тузилди.

▶ Давоми 2-бетда

ЁШЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҚАМЛАШ ЙИЛИДА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР СИЁСАТИНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ



Акмал САЙДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари

Бугун дунёда ёш авлод мисли қўрилмаган даражада кўпчиликни — 2 миллиарддан зиёдни ташкил қилмоқда. Бу инсоният тарихида ёшлар сонининг энг юқори кўрсаткичидир. Жаҳондаги ёшларнинг қарийб 90 фоизи ривожланаётган мамлакатларда истиқомат қилади ва улар аҳолининг салмоқли қисmini ташкил этади.

Ёшлар — инновациялар, ғоя ва ечимларнинг битмас-туганмас манбаи. Бугунги кунда ёшлар фаоллиги ҳар қачонгидан ҳам муҳим, зеро, улар жамият тараққиётини ҳаракатлантирувчи асосий кучдир. Шу боис, айнан ёш авлод зиммасига ёрқин келажак барпо этиш вазифаси ишониб топширилган.

Халқаро ҳамжамият ҳар қандай мамлакат тараққиётида соғлом ва баркамол, ташаббускор, замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлган ёшлар ўта муҳим урин тутишини алоҳида эътироф этади. Хусусан, БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш “тинчлик, фаол иқтисодий ривожланиш, ижтимоий адолат, бағрикенгликни таъминлаш — буларнинг барчаси ва яна кўп нарсалар ёшлар имкониятларидан фойдаланиш билан боғлиқ” эканини таъкидлайди.

Сўнгги йилларда биргина ёшлар масалаларига доир БМТ доирасида 10 дан ортиқ халқаро ҳужжат қабул қилинди.

▶ Давоми 2-бетда

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

МУҲАДДИСЛАР ПЕШВОСИГА ЮКСАК ЭЪТИРОМ




Шовосил ЗИЁДОВ,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот
маркази директори

Юртимиздан дунё илм-фани ва маданияти ривожига катта хисса қўшган минглаб алломалар етишиб чиққан. Манбаларга таянадиган бўлсак, биргина ҳадис илми бўйича уч мингдан зиёд олимнинг номини санаб ўтиш мумкин. Дунё ҳадис илми устозлари саналган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Доримий, Абдулҳамид Кеший, Ибн Хиббон каби муҳаддисларнинг буюк хизматлари туфайли юртимиз “Улуғ муҳаддислар юрти” деб эътироф этилиб, уларнинг ноёб асарлари тарихнинг барча даврларида кенг ўрганилган. Буюк алломаларимизнинг бизгача етиб келган асарлари ҳозирги кунда ҳам улкан маънавий куч-қувват манбаидир.

▶ Давоми 3-бетда

ҚИЁСИЙ РАҚАМЛАР

Ўзбекистонда фойдаланишга топширилган шифохоналардаги ўринлар сони



Манба: Давлат статистика қўмитаси

ХОРИЖ МАТБУОТИ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

“The Holland Times”:

Ўзбекистон ЕИ Умумлаштирилган имтиёзлар тизимининг бенефициар мамлакати мақомини олди



Ўзбекистон Европа Иттифоқи Умумлаштирилган имтиёзлар тизими плуснинг (“GSP+”) бенефициар мамлакати мақомини олгани хориж матбуотида ҳам кенг ёритилмоқда.

Жумладан, “The Holland Times” сайтыда бундай хабар эълон қилинди: “GSP+” дастурига қўшилиш талабгор мамлакатдаги инсон ҳуқуқлари, меҳнат муносабатлари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва самарали бошқарув каби тизимлар обдон ўрганилиб, ЕИ комиссияси мониторинг гуруҳи хулосасига кўра амалга оширилади. Ўзбекистон томони “GSP+” бенефициар мамлакати мақомини олиш учун 2020 йил бошидан ҳаракатни бошлаган эди. Ички тасдиқлаш жараёни тутагандан сўнг, 2020 йил 9 июнь куни Ўзбекистон Европа комиссиясига аъзолик учун талабнома юборди. Айни кунларда Ўзбекистон учун 3000 турдаги

маҳсулотни божхона тўловларисиз, 3200 турдаги маҳсулотни эса имтиёзли ставкалар билан ЕИ мамлакатларига экспорт қилиш имконини яратган “GSP+” тизими амалда. Қолаверса, “GSP+” доими равишда божсиз кириш учун маҳсулотлар турини кенгайтириш тарафдори. Ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар ва экспортчилар ўз маҳсулотларини Европа бозорига сотишда бир томонлама тариф имтиёзларидан фойдаланиши мумкин. Шу билан ЕИ мамлакатларига божсиз экспорт қилиниши мумкин бўлган товарлар сони 6200 тага қўядади. Бу биргина тўқимачилик соҳасида маҳсулотлар экспортини йилга қарийб 300 миллион долларга ошириш имконини беради, дейилади мақолада.